

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 110-ҳадис

110 - الحَادِي عَشَرٌ: عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الجَنَّةُ أَقْرَبُ إِلَى أَحَدِكُمْ مِنْ شَرَائِكَ تَعْلِيهِ، وَالنَّارُ مِثْلُ ذَلِكَ» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ. [6488]

110. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Жаннат сизларга шиппагингизнинг ипидан ҳам яқиндир. Дўзах ҳам худди шундай», дедилар.

Имом Бухорий ривояти.

Шарх: Озгина яхшилик жаннатга кириш учун сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек озгина ёмонлик ҳам дўзахга кириш учун сабаб бўлиши мумкин. Жаннатга кириш учун сабаб бўладиган барча нарсага рағбат қилиб, дўзахга тушибашга сабаб бўладиган барча нарсадан йироқ бўлиш лозим. Демак бу ердаги яқинлик маънавийдир. Ахир жаннат етти осмонлар устидадир.

Манба: hadis.islom.uz



